

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга тавсия этилди”

**“Иқтисодиёт” кафедраси
муdiri, доцент в.б.**

_____ **Ш.А.Султонов**

**“Иқтисодиёт” кафедраси мажлиси
баённомаси № __ 2014 йил “__” __**

**“Иқтисодиёт” таълим йўналиши
Ик-110 гуруҳ талабаси Дехқонов Саидкомилнинг**

**“Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва
ривожлантириш имкониятлари”**

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: И.ф.н,
доцент Т.С.Шарипов**

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-4
I-БОБ. Хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг назарий масалалари ва уни ривожлантиришнинг зарурияти	5-27
1.1. Хизмат кўрсатишнинг моҳияти ва унга оид тушунчалар талқини	5-11
1.2. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг зарурияти	11-18
1.3. Хизмат кўрсатиш соҳасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ва уларга таъсир қилувчи омиллар	18-27
II-БОБ. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати	28-45
2.1. Иштихон туманининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи	28-34
2.2. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳолати	35-38
2.3. Иштихон туманида аҳолига хизмат кўрсатиш ҳолати	39-45
III-БОБ. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш имкониятлари	46-56
3.1. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари	46-49
3.2. Иштихон туманида хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари	50-56
3.3. Иштихон тумани хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида ёнғин ва меҳнат хавфсизлиги таъминлаш йўллари	57-62
Хулоса ва таклифлар.....	62-65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66-67

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда, кейинги йилларда республикаимиз ҳукумати томонидан қабул қилинган бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорида хизмат соҳаларини ривожлантиришга ва бандлик масалаларига катта эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан олиб борилаётган изчил ислохатлар натижасида 2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 3 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб борапти, деб айтишга асос беради¹.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали бандлик масалаларини етарлича илмий

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

тадқиқ этилмаганлиги ва бу борада бир катор муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг назарий асослари мамлакатимиз олимлари Ғ.Ҳ.Қудратов, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов, Э.С.Файзиев, И.С.Очилов² ва бошқа кўплаб олимлар томонидан ўрганилган ва тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Хизмат, сервис ва хизмат кўрсатиш тушунчаларининг моҳияти ёритиш;
- Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг зарурияти асослаш;
- Хизмат кўрсатиш соҳасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ва уларга таъсир қилувчи омиллар аниқлаш;
- Иштихон туманида хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳолатини таҳлил қилиш;
- Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги муаммоларни аниқлаш ва ечимларини топиш;
- Туманда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Иштихон тумани ҳисобланади.

Ишнинг тузилиши: кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

² Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Т.: «Fan va texnologiya», 2007. – 28 б.

Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Профессорлар М.Қ.Пардаев ва Х.Н.Мусаевлар таҳрири остида. “Иқтисод молия”, 2008. 260 б.

Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд. “Зарафшон”, 2010. 244 б.

Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2011. 172 б.

I-БОБ. Хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг назарий масалалари ва уни ривожлантиришнинг зарурияти

1.1. Хизмат кўрсатишнинг моҳияти ва унга оид тушунчалар талқини

Мамлакатда қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор вазифаларидан бири иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим омилларидан бири бўлган хизмат ва сервис соҳаларини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтирувчи муҳим соҳалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Чунки бозор иқтисодиётини таркибий ўзгартириш шароитида энг асосий масалалардан бири – ушбу соҳани ривожлантириш, шунингдек, соҳада аҳолининг иш билан бандлик даражасининг кенгайиб бориши ҳисобланади.

Ҳукумат томонидан иқтисодийни модернизация қилиш шароитида ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервисни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш сиёсати амалга оширилаётган бугунги кунда республикаимизда мазкур соҳаларни шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, ушбу йўналишда сервис хизматларини кенгайтириш, ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг масалаларини муҳим муаммолардан бири ҳисоблади.

Ҳозирда муайян мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш учун хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг мамлакатда яратилаётган ЯИМ даги улуши 65 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон бўлиб қолмоқда. АҚШ иқтисодиётида яратилган ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 78, Японияда 62 фоизни ташкил этади³. Шу сабабли ҳам ушбу соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, мухтарам Президентимиз

³ О сокращении занятости в мировой промышленности // БИКИ.2005.№138(8934),С.4.

И.А.Каримов таъкидлаганларидек:“...бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш -...хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган муҳим масала, бу – хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиш, бунда мамлакатимиз ЯИМ таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”⁵-деб таъкидладилар.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида ривожланишнинг “Ўзбек модели” тамойилларига асосан бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида, халқ хўжалигининг барча соҳаларига ишлаб чиқариш билан бирга хизматлар соҳаларига сингиб бориши ва амалиётда кенг миқёсда қўлланилиши натижасида хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчаларини ҳам ҳақиқий маъно-мазмунига эга бўлишини тақозо этди. Шу сабабли, тадқиқот жараёнида “Хизмат”, “Хизмат кўрсатиш” ва “Сервис” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг мазмун моҳиятларига ўзимизнинг қарашларимизни билдирмоқчимиз.

Луғатларда “хизмат” ва “сервис” тушунчаларининг луғавий маъноларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Жумладан, С.И.Ожегов тузган “Словарь русского языка”да “Хизмат тушунчасига “наф келтирувчи ҳаракат” ва “кимгадир маиший шароит тақдим этиш”, деган маънода изоҳ берилган”⁶. Бошқа луғатларда эса, “Хизмат” тушунчасига инсонларга ёрдам кўрсатиш ва

⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

⁵ Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичларга кўтарадиган йил бўлади” Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь

⁶ Ожегов С.И. Словарь русского языка. Ок. 57000 слов. Под. Ред. д-ра филол. наук, проф. Н.Ю.Швердовой. – 12-е изд. – М.: Рус. яз., 1978, стр.771.

яхшилиқ қилиш нуқтаи назаридан ҳам таърифлар берилганлигини кузатишимиз мумкин. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Хизмат-иш, лавозим, хизмат кўрсатиш, ёрдам” деб кўрсатилган. Бундан ташқари “хизмат” ибораси бировнинг ишини бажариш, яхшилиқ қилиш; яхшилиқ мазмунида ҳам келтирилган⁷.

В.И.Дальнинг “Толковый словарь великорусского языка” номли луғатида хизмат тушунчаси “Хизмат кўрсатиш, ёрдам, имтиёз, кўмак, кўнглини топмоқ, истагини бажо келтирмоқ”⁸ маъноларида талқин қилинган.

Иқтисодчи олимлар томонидан чоп этилган кўплаб иқтисодий адабиётларда эса “хизмат” ва “сервис” тушунчаларининг иқтисодий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

АҚШлик иқтисодчи профессорлар Кэмпелл Р.Макконнелл ва Стэнли Л.Брюлар “хизмат – бу сезиб бўлмайдиган (кўзга кўринмайдиган) ва унинг ўрнига қийматга эга бўлган қандайдир нарсани истеъмолчи, фирма ёки ҳукумат томонидан тақдим этилишидир”⁹, деб таъриф беришган.

Ф.Котлер “Хизматлар-бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки неъмат, бирон нарсага эгалиқ қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат”¹⁰, деб таъкидлаган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан И.С.Очилов “Хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалиқ юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади”¹¹ деб таъкидласа, Ж.М.Қурбонов “Хизмат инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилиқ,

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2008. 395-396 бетлар

⁸ Даль В.И. Толковый словарь великорусского языка. 2-е изд. М., 1982. Т.IV.С.512.

⁹ Макконнелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. с англ. Т. 2. – Таллин, 1993, стр.398.

¹⁰ Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент // Экспресс-курс. 2-е изд. / Перевод с англ. Под ред. Божук С.Г. Спб.: Питер. 2005. С-301.

¹¹ Очилов И.С. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи.// Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. “Иқтисод молия”, 2008. 37 б.

эзгулик, манфаат келтириши йўлидаги ҳаракатидир”¹² деган фикрни билдирган. Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи бўлган инсонлар эҳтиёжининг чексизлиги ва ресурсларнинг чегараланганлиги шароитида, инсонларнинг турли хилдаги эҳтиёжларни қондиришда иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай бозор субъекти аввалом бор ўзининг хизмати орқали инсоннинг эҳтиёжларни қондиради ва уларга бу фаолияти орқали ёрдам кўрсатади, айтиш мумкинки яхшилик қилади. Ушбу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, “**хизмат**” бир томондан истеъмолчига, иккинчи томондан бозор субъектлари (ишлаб чиқарувчи, савдо турли хизматларни кўрсатувчи корхоналар)га фойда келтирадиган, инсонларнинг маълум эҳтиёжларини қондириш орқали уларга ёрдам (яхшилик) берадиган бозор субъектларининг фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятидир десак хато қилмаган бўламиз.

Умуман олганда, “хизмат” тушунчасига жуда кўплаб таърифлар берилган. Лекин ҳамон “хизмат” атамасининг таърифи, моҳияти ва тушунчаси бўйича олимлар ўртасида анчагина мунозарали фикрлар ҳозирги кунгача мавжуд ва улар ўз ечимини топгани йўқ.

Шу ўринда сервис сўзи мазмунининг изоҳига тўхталсак. “**Сервис** инглизча **servise** сўзидан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш” деган маънони англатади.¹³ Русча - ўзбекча луғатда “**сервис** – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)¹⁴”, деб кўрсатилган. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриётида “**сервис** – (ингл. **servise** – хизмат) жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳолига хизмат кўрсатиш”¹⁵, деб таъриф берилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса, “ингл. **Servise** – хизмат” кундалик турмушнинг хилма–хил соҳаларида – магазин, меҳмонхона, сартарошхона, ёнилғи қуйиш шаҳобчалари ва шу кабиларда аҳолига сифатли

¹² Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 56 б.

¹³ Словарь иностранных слов. -16- е из., испр.-М.: Рус яз. 1988 - 461 Б.

¹⁴ Русча-ўзбекча луғат. 2-том. Т.: 1984. – 410 Б.

¹⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 7-том. Т.: 2004. – 592 б.

хизмат кўрсатиш ва шундай хизматнинг ўзи”¹⁶, деб таъриф берилган. Биз ушбу тушунчага айрим олимларнинг фикрларини келтириб ўтмоқчимиз.

Мамлакатимиз олимларидан профессор Ж.М.Қурбонов сервис тушунчасига “Сервис деганда, юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида комплекс хизмат кўрсатиш тушунилади”¹⁷, деб таъриф келтирган бўлса, профессор Б.Абдукаримов “Сервис” хизматларнинг мураккаб меҳнат жараёнидан иборат бўлган, юқори малакали ишчиларни талаб қиладиган айрим турларини мужассамлаштирган хизматни илғор туридир. Умуман олганда “Сервис” сўзи инглиз тилидаги “Service” сўзидан олинган бўлиб, “Сервис соҳаси” деганда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш нуқтаи назардан қараш илмий – назарий ва амалий жиҳатдан тўғрироқ бўлади деб ҳисоблаймиз¹⁸, деб таъкидлайди.

М.Қ.Пардаев ва И.С.Очиловлар “Сервис деганда инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади”¹⁹, деб таъриф берганлар. Ушбу таърифда сервис тушунчасига хизматнинг маълум сертификат ва андозаларга эга бўлган, сифат жиҳатидан юқори бўлган тури ва хизмат фаолияти сифатида қаралган. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев ва И.С.Очиловларнинг юқорида “хизмат” тушунчасига берган таърифи бўйича, хизмат инсонлар билан бирга корхоналарга, жамиятга, давлатга кўрсатилса, “сервис” асосан аҳолига, одамларга кўрсатиладиган сифатли хизмат ҳисобланар экан. Биз бу фикрга қўшиламиз.

Қайд этилган манбаларда келтирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки – “хизмат” ва “сервис” мазмунан ўхшаш категория-лар бўлиб, ўз

¹⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2008. 483 б.

¹⁷ Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 58 б.

¹⁸ Абдукаримов Б.А. “Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция. Самарқанд 2013 йил. 20 феврал. 140 б.

¹⁹ Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Т.: “Иқтисод молия”, 2011. 11 б.

истемолчиларига наф келтирадиган фаолият (ҳаракат) туридир. Бизнинг фикримизча, “сервис” тушунчаси “хизмат” тушунчасини ўз ичига камраб олади. Иккинчиси биринчисини тўлдиради ва у қўшимча хизмат кўринишида бўлади.

“Хизмат” ва “Сервис” тушунчаси сингари “Хизмат кўрсатиш” тушунчаси бўйича ҳам баҳсли фикрлар мавжуд бўлиб, бизлар бу тушунчалар бўйича ҳам айрим олимларнинг фикрларини келтириб ўтмоқчимиз.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.М.Муҳаммедов хизмат кўрсатиш соҳасини инсон нуқтаи назаридан қараб, аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлилигига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа²⁰ деб таъриф берса, Ж.М.Қурбонов хизмат кўрсатиш – бу инсонларнинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши тушунилади²¹ деб таъриф келтирган. Қ.Ж.Мирзаев хизмат кўрсатиш соҳасини корхоналарнинг даромад олиш нуқтаи назаридан қараб, “хизмат кўрсатиш - инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истемол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият²²” деб айтиб ўтган.

Юқорида келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, хизмат (жумладан, сервис) иқтисодий фаолиятнинг муҳим бир шакли. У моддий ва номоддий кўринишга эга бўлиб, аҳоли ва юридик шахслар эҳтиёжларини (талаб чегарасида) қондиришга қаратилган фаолиятдир. Бунда, табиийки, иқтисодий муносабатлар амал қилади.

²⁰ Муҳаммедов М.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 53 б.

²¹ Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 58 б.

²² Мирзаев Қ.Ж. “Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари” Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012 й. 49 бет.

Хизмат иқтисодий категория сифатида инсонлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг моддий ҳамда номоддий тусдаги хизматларга бўлган эҳтиёжлари (талаби)ни қондиришда юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат, сервис ва хизмат кўрсатиш бир-бирини тўлдириб боровчи жараёндир. Уларнинг алоҳида жараён эканлигини эътироф этган ҳолда, аслида битта мақсадга қаратилган жараён дейиш мумкин.

1.2. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлатиришнинг зарурияти

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йуналишларидан бири сифатида эътибор берилмоқда. Чунки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлик масалаларининг ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омилдир. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳатлар, ислоҳатлар учун эмас, балки инсонларнинг муносиб турмуш шароитини яхшилашга қаратилган. Сервис соҳаси ҳам инсонлар ҳаётини яхшилашга, турмуш сифатини оширишга, уларнинг турли хилдаги талабларини қондиришга қаратилган.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг асосий қисмини хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари эгалламоқда. Уларнинг улуши ялпи ички маҳсулотда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан тўлдиришда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларда муттасил ошиб бормоқда ва келажакда ҳам бу жараённинг давом этиши табиий. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг сонини кўпайтириш билан биргаликда фаолият кўрсатаётганларнинг самарадорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш

заруриятга айланди, чунки мазкур соҳани ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шароитлар ва хусусийлаштириш жараёнининг амалга оширилиши натижасида кўплаб хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари кўп ҳолларда, нодавлат маблағлари эвазига янги иш ўринларини яратилмоқда. Мамлакатимизнинг нодавлат секторида банд бўлганларнинг улуши муттасил ўсиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал.

Нодавлат секторида банд бўлганларнинг сони²³

Кўрсаткичлар	2003 йил	2007 йил	2012 йил	2012 йилда ўзгариши, %	
				2003 йилга нисбатан	2007 йилга нисбатан
Иқтисодиётда банд бўлганларнинг йиллик ўртача сони, минг киши	9589,0	10735,4	12223,8	127,5	113,9
Шу жумладан нодавлат секторида, минг киши	7359,6	8370,3	9860,9	134,0	117,8
Нодавлат секторида банд бўлганларнинг улуши, %	76,8	78,0	80,7	105,1	103,5

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, нодавлат секторида банд бўлганларнинг улуши 2003 йилда жами банд бўлганларнинг таркибида 76,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007 йилга келиб 78,0 фоизга етди, яъни 2,8 фоизга ошди. 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида 12223,8 минг киши банд бўлган бўлса, шулардан нодавлат секторида 9860,9 минг киши банд бўлиб, 2012 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 80,7% га етди.

Ушбу рақамлардан кўринадики, мамлакатимизда 2012 йили 9860,9 минг кишининг даромадлари нодавлат секторида ишлаш эвазига кўпаймоқда.

²³ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2013. 28-бет.

2. Аҳоли фаровонлиги ошириш ва турмуш даражасини юксалтириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли шу жойдан ойлик олиб ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлайди. Таъкидланганидек, иқтисодиётнинг нодавлат секторида 2007 йилда 8370,3 минг киши, 2012 йилда эса 9860,9 минг киши банддир. Демак, шунча киши ўз оиласи фаровонлигини нодавлат секторида ошириш имконига эга бўлмоқда. Булардан кўриниб турибдики, нодавлат, секторининг фаолият кўрсатиб туриши нафақат мулкдор учун, балки аҳолининг асосий қатлами учун ҳам муҳим экан. Агар ушбу соҳада қанча самарадорлик юқори бўлса, шу ерда банд бўлганларнинг оладиган рағбати ҳам шунча юқори бўлади. Шунга мос равишда давлат бюджетига тушадиган маблағ ҳам муттасил ошиб боради.

3. Бугунги кунда аҳолини истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиради ва мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдиради. Биргина 2012 йилда 36946,4 млрд. сўм истеъмол товарлари сотилган. Бу 2009 йилга нисбатан салкам 2,2 баровар кўп демакдир (2-жадвал).

2-жадвал

Сотилган истеъмол товарларининг мулк шакли бўйича 2009-2012 йилги тақсимоти (амалдаги нархларда)²⁴

Кўрсаткичлар	2009 йил		2012 йил		Фарқи (+,-;%)		Ўзгариш суръати %
	сумма, млрд. сўм	улуши, %	сумма, млрд. сўм	улуши, %	сумма, млрд. сўм	улуши, %	
Чакана товар айланмаси, жами	16874,6	100,0	36946,4	100,0	20071,8	-	218,9
Шу жумладан, Давлат мулки	25,8	0,2	80,0	0,2	54,2	-	310,1
Нодавлат мулки	16848,8	99,8	36866,4	99,8	20017,6	-	218,8
Шулардан фуқароларнинг хусусий мулки	11981,4	71,0	26539,6	71,8	14558,2	0,8	221,5

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча чакана товар айланишининг асосий қисми нодавлат секторига тўғри келади. Ушбу секторда

²⁴ Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2013, 23 стр.

товар айланмасининг ўсиш суръати умумий товар айланмасининг ўсиш суръатига нисбатан юқоридир: 2012 йилда 2009 йилга нисбатан 218,0 фоиз $(36866,4 \cdot 100 : 16848,8)$ га тенг бўлган.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, чакана товар айланмаси билан шуғулланадиган хусусий савдо корхоналарининг самарадорлигини ошириш, нафақат бугуннинг, балки бу доимий эътиборда бўлиб турадиган муҳим ижтимоий - иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ишлардан биридир.

Савдо хизматини ривожлантиришнинг яна бир муҳим жиҳати, аҳолини иш билан таъминлаш билан биргаликда, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан ҳудудлар бўйича мутаносиб равишда тўлдириб боради. Шунингдек, бу соҳада иш ўринларини яратиш унчалик катта инвестиция ва мураккаб технологияни талаб қилмайди. Хусусий секторнинг ошиб бориши хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиши учун ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий асосларидан биридир. Булардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан тўлдиришга ва уларни сотишга қаратилган хусусий корхоналарнинг, айниқса хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш лозим экан.

4. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида, валюта тушумини кўпайишида ва экспорт салоҳиятининг ошишида хизматларнинг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. мамлакатимизнинг ташқи савдо обороти 2009 йилда 20209,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2011 йилда унинг миқдори 26365,9 млн. АҚШ долларига етди ёки 2009 йилга нисбатан 130,5 фоизга ўсди. 2012 йилда унинг миқдори 26416,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2009 йилга нисбатан 130,7 фоизга кўп демакдир²⁵. Бу кўрсаткичларда ҳам нодавлат секторининг улуши катта. Экспорт товарлари асосан хусусий секторда ишлаб чиқарилишини инобатга олсак, фақат шулар бўйича нодавлат секторининг улуши мамлакатнинг ташқи савдо ҳажмида ҳам сезиларли

²⁵ Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2013, 77 стр.

салмоққа эга. Бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятининг нодавлат секторини, унинг таркибида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига амалга ошаётганлигидан далолат беради. Бугунги кунда экспортни хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобига ривожлантириб валюта тушумини кўпайтирсак, мамлакатимизнинг кўплаб хом ашё ва ресурсларини тежаган ҳолда валюта тушуми таъминланади. Мамлакат экспортида хизматларнинг улуши йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга (3-жадвал).

3-жадвал

Мамлакат экспортида хизматларнинг 2009-2012 йиллар давомида улуши ўзгариши (%да)²⁶

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
1	Экспорт	100,0	100,0	100,0	100,0
2	Пахта толаси	8,6	12,1	9,0	9,3
3	Озиқ-овқат маҳсулотлари	6,0	9,7	13,3	6,4
4	Кимё маҳсулотлари ва улардан ясалган буюлар	5,0	5,1	5,6	5,6
5	Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	34,2	22,8	18,5	34,6
6	Қора ва рангли металллар	5,0	6,9	7,4	7,8
7	Машина ва ускуналар	2,9	5,5	6,6	6,5
8	Хизматлар	8,8	10,2	11,8	17,3
9	Бошқалар	29,5	27,7	27,8	12,5

Кўриниб турибдики, хизматларнинг улуши мамлакат экспортида йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга. Хусусан, 2009 йилда 8,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб 17,3 фоизгача кўпайган. Бу эса экспорт таркибида хизматларнинг улуши 2009 йилга нисбатан 2012 йилда 8,5 бандга ошган.

5. Давлат бюджетининг турли солиқли ва солиқсиз тўловлар орқали даромад қисмини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, 2011 йил январь ҳолатига кўра мамлакатимизда 283,4 мингта (фермер хўжаликларсиз) корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлса, шулардан

²⁶ Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2013, 83 стр.

244,0 минг таси, яъни 86,0 фоизи ($244,0 \cdot 100 : 283,4$) нодавлат корхоналари ташкил этса, улардан хусусий корхоналар 107,3 мингтани ва улуши 38,0 фоизга ($107,3 \cdot 100 : 283,4$) етган²⁷. Хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналарнинг кўпайиши аҳолига кўрсатиладиган хизматлар билан бирга шу субъектларга кўрсатиладиган хизматларнинг ҳам ошишини тақозо қилади. Масалан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривожланиши қишлоқда агросервисни ривожлантиришни талаб қилади. Шу тариқа, биринчидан, хизматга бўлган эҳтиёж ўсиб боради ва иккинчи томондан хизмат соҳаси ҳам ривожланиб боради. Албатта, улар ўзларининг ҳисоб сиёсатига биноан турли шаклдаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар. Уларнинг сони қанча кўп бўлса, мос равишда, шунча солиқ давлат бюджетига кўп тушади. Бу эса хусусий секторда, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналарни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг заруриятлиги ағдалат беради.

6. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳатлар ва бундкорлик ишлари натижасида бугунги кунда барча ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасига оид бинолар кўркам ва чиройлилиги билан ажралиб турмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожини мамлакатимизда чиройли биноларни барпо этиш билан биргаликда, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилади. Энди биз жаҳонга чиқдик, жаҳон бизни таниди ва тан олди. Биз ҳам уларни танидик ва ким эканликларини билдик, уларнинг айрим тажрибаларидан ҳам фойдаланмоқдамиз. Шу билан бирга халқаро муносабатларимиз 80 дан зиёд мамлакатлар билан ўрнатилган. Улардан кўпинча турли русумдаги технологияларни сотиб олишда фойдаланмоқдамиз. Бу борада тўғри хулоса чиқариш учун мамлакат импортининг таркибий тузилишини кўриб чиқамиз (4-жадвал)

Келтирилган 4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, умумий импортининг таркибида машина ва ускунаарнинг улуши энг катта салмоққа эга.

²⁷ Йиллик статистик тўплам.-Т.: 2012, 187-бет

Жумладан, бу кўрсаткич 2012 йилда 44,5 фоизни ташкил қилди. Мазкур ҳолатда бизлар хизматларнинг улуши ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўриб турибмиз. Унинг улуши 2009 йилда 4,4 фоизга тенг бўлган бўлса, 2012 йилда 5,8 фоизгача ўсиди. Бундай ижобий ҳолат эса, мамлакатимиз хизмат соҳасида аста-секин халқаро рақобатга бардош берадиган даражага томон ҳаракат қилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Бундан кўринадики, нафақат хизматлар самарадорлигини, шу билан бирга улар сифатини ҳам оширишимиз лозим экан.

4 –жадвал

Мамлакат импортининг 2009-2012 йиллардаги таркибий ўзгаришлар ҳолати (%да)²⁸

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
1	Импорт	100,0	100,0	100,0	100,0
2	Озиқ-овқат маҳсулотлари	9,0	10,5	11,5	10,9
3	Кимё маҳсулотлари ва улардан ясалган буюлар	11,1	13,8	12,5	13,7
4	Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3,5	7,1	8,5	6,6
5	Қора ва рангли металллар	6,3	8,1	7,6	7,2
6	Машина ва ускуналар	56,5	44,0	44,0	45,9
7	Хизматлар	4,4	5,3	5,0	5,8
8	Бошқалар	9,2	11,2	10,9	91,9

7. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ривожланишнинг ва тараққиётга эришишнинг жаҳон ҳамжамияти тан олган “ўзбек модели” тамойилларига асосан бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида аҳолини кам таъминланган қисмини ҳимоя қилишга катта эътибор бериб келинмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши кам таъминланган оилаларга, иқтисодиётнинг ривожланишига, ободонлаштириш ишларининг амалга оширилишига ҳомийлик қилиш имкониятини ҳам туғдиради. Бизда ҳомийлик азал-азалдан урф-одат ва қадрият сифатида қадрланиб келинади. Президентимиз 2006 йилни бежиз “Ҳомийлар ва шифо-корлар йили” деб эълон қилган эмас. Шу йилгача ҳам ҳомийлик қилиниб

²⁸ Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2013, 83 стр.

келинаётган эди, ушбу йил у эътироф этиладиган ва анъана тусини оладиган бўлди. Умуман олганда, ҳомийлик барча жабхаларда ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилди. Табиийки, бунда хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган хусусий тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси кам эмас.

1.3. Хизмат кўрсатиш соҳасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ва уларга таъсир қилувчи омиллар

Хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат миллий иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми. У мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, хусусан, ЯИМ ишлаб чиқаришда, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг турли эҳтиёжларини қондиришда турмуш даражаси ва сифатини оширишда, давлат бюджетини шакл-лантиришда етакчи ўрин тутди. Шу билан бир қаторда, хизмат кўрсатиш соҳаси кўп тармоқли ва бир вақтнинг ўзида бир неча йуналишда фаолият олиб боровчи соҳа. Ушбу соҳада доимий тарзда ўзаро миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар содир бўлади ва ривожланиб боради. Хизмат кўрсатиш соҳаси, бир томондан, миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳа ҳамда тармоқларига, уларнинг ҳолати ва ривожланишига катта таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, унинг ривожланиш имкониятлари ҳамда истиқболлари бошқа соҳа ва тармоқлар динамикаси билан белгиланади.

Табиийки, хизмат кўрсатиш соҳасини баҳолаш услуби юқорида зикр этилган барча жараёнлар ва боғлиқликларни ўзида акс эттириши лозим. Мавжуд адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини, унинг самарадорлигини, рақобатбардошлигини ёки бошқа баъзи бир жиҳатларини баҳолаш, асосан, қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали ифода этилган:

Биринчиси, хизмат кўрсатиш соҳасини мамлакатнинг ЯИМ таркиби бўйича баҳолаш. Хизмат кўрсатиш соҳасини бундай ёндашув асосида баҳолаш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги мавқеини кўрсатади. Чунки, ЯИМ

иқтисодиётнинг моддий ҳамда номоддий соҳалари бўйича иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаларини тавсифловчи макроиқтисодий кўрсаткичдир. ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши қанча юқори бўлса, мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Ўзбекистонда 2013 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 53 фоизни²⁹, ривожланган мамлакатларда эса 60-80 фоизни ташкил этади³⁰. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ушбу соҳани жадал суръатлар билан ривожлантириш ва унинг мамлакат ЯИМ таркибидаги улушини янада ошириш мақсад қилиб қуйилди. Мамлакатда олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар ҳам айнан шунга қаратилган. Шу сабабли ҳам ЯИМ ҳажмини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, унинг тармоқларини модерни-зациялаш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчиси, хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳолининг иқтисодиётда банд умумий аҳоли сонидagi улуши ҳам соҳа фаолиятини баҳолайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини бундай ёндашув асосида баҳолаш соҳанинг миллий иқтисодиётдаги ижтимоий аҳамиятини белгилайди.

Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 52,1 фоизи³¹ хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 70 фоиз³²ни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ушбу соҳани жадал суръатлар билан ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, унинг аҳолини иш билан таъминлаш йўллариини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчиси, аҳолининг истеъмол ҳаражатлари таркибида хизматларнинг улуши ҳам ушбу соҳанинг аҳоли турмуш даражасини шакллантиришдаги ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини белгиловчи муҳим

²⁹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

³⁰ “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор. 2006 йил 17 апрель // Халқ сўзи. 2006 йил 18 апрель.

³¹ www.Stat.uz

³² www.Worldbank.org

макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири сифатида қаралади. Ўзбекистонда истеъмол ҳаражатлари таркибидаги хизматларнинг улуши 10-17 фоиз³³ни ташкил этса, ривожланган мамлакатларда у 50-60 фоиз³⁴ни ташкил этмоқда. Аҳоли турмушининг юқори даражаси ва сифати учун моддий неъматлар билан бирга хизматларнинг ҳам етарли бўлиши мақсадга мувофиқ. Аҳолининг истеъмол ҳаражатлари таркибида озиқ-овқат учун қилинган ҳаражатлар салмоғи қанчалик юқори бўлса, у мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш суръати пастлигидан далолат беради. Оила бюджети ҳаражатларида хизматларнинг улуши қанча юқори бўлса, унинг турмуш даражаси ва сифати ҳам шунча юқори бўлади. Аҳоли фаровонлигини ошириш уни иш билан таъминлаш, моддий ишлаб чиқаришда унумдорликни кўтариш, аҳолининг бўш вақтини ташкил этиш ва ундан унумли фойдаланиш, мавжуд ресурсларни исроф қилмасдан фойдали ва сифатли маҳсулот яратиш, ички истеъмол бозорини замонавий ва сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш орқали истеъмол ҳаражатлари таркибида хизматлар улушини оширишга эришилади.

Миллий ҳисоб-китоблар мажмуига кирувчи турли кўрсаткичлар аниқ бир вақт ичида ишлаб чиқариш ва хизматлар ҳажми ўзгариши динамикасини таққослашда муҳим аҳамиятга эга. Илғор мамлакатларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш натижаларини макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали таҳлил этиб келинади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини баҳолашда ёндашув сифатида қаралар экан, у миллий иқтисодиётнинг таркибидаги ижтимоий тузилмалар аҳволини ҳамда ривожланиш тенденцияларини ифода этишга қаратилиши лозим.

Бундай ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ўртасидаги алоқалар ҳақида маълумотлар батафсил таҳлил қилинади. Хизмат

³³ Социальное развития и уровень жизни населения в Узбекистане. 2009 г, с-69.

³⁴ “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор. 2006 йил 17 апрель // Халқ сўзи. 2006 йил 18 апрель

кўрсатиш соҳаси фаолиятини макроиктисодий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилиш хизматлар соҳаси маълумотларини тармоқлар бўйича алоҳида ва аниқ юритилиши, уни ўз вақтида таҳлил қилиш ва таққослаш ҳамда ушбу соҳадаги мавжуд камчиликлар ва муаммолар ечимини топиш имконини беради.

Юқорида кайд этилган кўрсаткичлар бутун иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини ва унда хизматлар соҳасининг тутган ўрнини тавсифлаб берсада, улар соҳани ривожлантириш ёки тармоқни кенгайтиришнинг аниқ йулларини очиш имконини бермайди. Ш.Ш.Шодмонов ва У.В.Ғофуровларнинг макроиктисодий кўрсаткичлар борасида айнан шундай фикр ва мулоҳазалари мавжуд: “Макроиктисодий жиҳатдан қаралганда миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши мамлакатда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурслари; уларнинг ижтимоий меҳнат тақсимоли асосида ажралиб чиққан иқтисодий субъектлар ўртасидаги тақсимот ҳажми; мазкур субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари; миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилиш жараёнларида шаклланивчи таркибий қисмлари ўртасидаги муносабат сифатида намоён бўлади”³⁵. Дарҳақиқат, макроиктисодий кўрсаткичдаги ЯИМ соҳа ва унинг тармоқларини баҳолаш даражасини ифода қилади. Аҳоли бандлиги бўйича таҳлилда эса соҳа ва тармоқда банд аҳоли тўғрисида маълумот кўрсатилади. Бу кўрсаткичлар тармоқларни кенгайтириш, қанча миқдордаги кишиларни тармоқда банд этиш лозимлиги каби маълумотларни ифода этмайди. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилган тадқиқот ишларида соҳани ривожлантириш, тармоқни кенгайтириш хусусида аниқ илмий асосланган хулоса ва таклифлар келтирилмаган. Ўрганилган барча тадқиқот ишлари ушбу соҳадаги корхоналарнинг самарадорлигини ошириш ҳамда хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Макроиктисодий таҳлилнинг мақсади - такрор ишлаб чиқариш жараёнини объектив равишда акс эттирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш

³⁵ Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: 2008, 186-б.

асосида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида вужудга келган ҳолатларни очиб беришдан иборат³⁶.

Хизмат кўрсатиш соҳасини тўлиқ баҳолаш, унинг ҳолати, ривожланиш тенденциялари, соҳада кечаётган мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўртасидаги сабабли-оқибатли алоқалар ҳали ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилмаган. Лекин, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаши адабиётларда ёритилганига нисбатан анча кенг ва серқиррадир. Хизмат кўрсатиш соҳасини баҳолаш муаммосини ечишга қаратилган таклифларимизнинг моҳияти ҳам шундаки, ушбу соҳа мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни чуқур баҳолашда янгича ёндашувларни қўллаши ва у хизмат кўрсатиш соҳасини мустақил соҳа сифатида баҳолаб, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни аниқлашга ёрдам бериши керак. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, тармоқларни кенгайтириш имкониятларини аниқлайдиган мукамал кўрсаткичлар тизимини, яъни янги услубий ёндашувларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Хизмат кўрсатиш соҳасида янги услубий ёндашувлар бўйича таҳлиллар олиб борилмас экан, ушбу соҳани жадал суръатлар билан ривожлантириш имкони ҳам бўлмайди. Тармоқни ривожлантириш орқалигина соҳани ривожлантириш мумкин. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини баҳолашда янги услубий ёндашувлар шаклланди. Бу ёндашувлар хизматлар билан таъмин-ланганликни ифодалайдиган кўрсаткич деб номланди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилган тадқиқот ишларида ҳамда иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳаси бу жиҳатдан ўрганилмаган. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш назариясида ҳам бу борада илмий фикр ёки мулоҳазалар юритилмаган. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш ва унинг имкониятини кенгайтириш учун уни хизматлар билан таъминланганлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ. Хизмат кўрсатиш соҳасини ифодаловчи

³⁶ Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. иқтисодиёт назарияси. –Т.: 2008, 187-б.

тизимда хизматлар билан таъминланганлигини характерловчи кўрсаткичларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки, хизматлар билан етарли даражада таъминланмаганлик шароитида ҳар қандай жараён ҳам меъёргадек содир бўлмаслиги, керакли натижаларни бермаслиги мумкин. Аксинча, тармоқ керагидан кўп таъминланган бўлса, у корхоналар учун ортиқча сарф-ҳаражатлар юзага келишига сабаб бўлади. Шу туфайли ушбу кўрсаткични аниқлаш, уларни баҳолаш ва ўрганиш бозор иқтисодиёти шароитида ўта муҳим аҳамиятга эга.

Аҳолининг хизматлар билан таъминланганлигини ифодалайдиган кўрсаткич бошқа юқорида қайд этилган кўрсаткичларни амалда қўллаш орқали олинадиган хулосаларга қараганда муҳимроқ илмий хулосаларни келтириб чиқариши билан аҳамиятлидир. Ушбу кўрсаткич нафақат макроиқтисодий кўрсаткичлар таркибида хизматларнинг улушини, балки соҳа ёки тармоқнинг самарадорлигини ҳам ифода этади. Агар хизмат кўрсатиш соҳасини хизматлар билан таъминланганлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар орқали таҳлил этсак, соҳанинг самарадорлигини ва бандликни ошириш имконияти ҳам аниқланади. Бу борада самарадорлик мезонини мулкдор нуктаи назаридан қараш эмас, балки истеъмолчи нуктаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ ва муҳимроқ натижалар олиш имконини беради. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчи манфаатлари устун қўйилади. Унинг истак-хоҳишлари, талаблари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бир сўз билан айтганда, у бозорда ҳар қандай товар ёки хизматларга, уларнинг сифатига ўзининг та-лабларини ва шартларини қўювчи қирол ҳисобланади.

Хизматлар билан таъминланганликни ифодалайдиган кўрсаткични шакллантириш миллий иқтисодиётда соҳа ва унинг тармоқлари бўйича ҳам бир вақтнинг ўзида хулоса чиқариш имконини беради. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун ушбу соҳани мукамал ўрганиш лозим. Хизматлар билан таъминланганликни ифодалайдиган кўрсаткичга қуйидагича таъриф берилади: Хизматлар билан таъминланганликни ифодалайдиган кўрсаткич - бу миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси ёки муайян бир тармоқдаги бир ходимга

тўғри келадиган мамлакат аҳолига кўрсатиладиган хизматлардир. Хизмат билан таъминланганликни ифодаладиган кўрсаткичлар миқдор кўрсаткичлар орқали ифодаланади.

Хизмат билан таъминланганликни ифодаладиган кўрсаткичлар ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий аҳамият касб этади. Ижтимоий томони инсонларнинг маънавий камол топиши билан боғлиқ бўлиб, иқтисодий томони эса унинг самарадорлигини белгилайди.

Хизматлар билан таъминланганликни ифодалаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- доимии аҳолининг сони;
- соҳада банд аҳоли сони;
- тармоқда банд аҳоли сони;
- соҳа ва тармоқлардаги ходимларнинг маълумот кўрсаткичлари.

Хизмат кўрсатиш соҳасини баҳолашда унинг имкониятларини аниқлайдиган, самарадорлик ва сифатини белгилайдиган ҳамда бошқа боғлиқликларни ўзида акс эттирадиган қуйидаги иккинчи гуруҳ кўрсаткичлар тавсия этилади:

1. Аҳолининг хизматлар билан таъминланганлик даражаси. Буни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Ахбтд = \frac{Ас - ХКСба}{ХКСба}$$

Бу ерда:

Ахбтд - аҳолининг хизматлар билан таъминланганлик даражаси;

Ас - аҳоли сони;

ХКСба — хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли сони.

Келтирилган формула ёрдамида хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган бир кишига мамлакат аҳолисининг неча кишиси тўғри келиши аниқланади.

2. Аҳолини хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян бир тармоғидаги хизматлар билан таъминланганлик даражаси. Буни

аниқлайдиган кўрсаткични ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Ахбтдт = \frac{Ас - ХКСмт.ба}{ХКСмт.ба}$$

Бу ерда:

Ахбтдт - аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян тармоқлари билан таъминланганлик даражаси;

Ас - аҳоли сони;

ХКСмт.ба — хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян бир тармоғидаги банд ходимлар сони.

Келтирилган формула ёрдамида эса хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян бир тармоғида банд бўлган бир кишига мамлакат аҳолисининг неча кишиси тўғри келиши аниқланади.

3. Аҳолини сифатли хизматлар билан таъминланганлик даражасини аниқлайдиган кўрсаткични ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Асхбтд = \frac{Ас - ХКСмхс}{ХКСмхс}$$

Бу ерда:

Асхбтд - аҳолининг сифатли хизматлар билан таъминланганлик даражаси;

Ас - аҳоли сони;

ХКСмхс - хизмат кўрсатиш соҳасидаги малакали (олий маълумоти) ходимлар сони.

Келтирилган формула орқали хизмат кўрсатиш соҳасидаги олий маълумотли бир ходимга мамлакат аҳолисининг неча кишиси тўғри келиши аниқланади. У орқали хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларидаги маълумот кўрсаткичларини ҳам ҳисоблаш мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасини янги услубий ёндашув орқали баҳолаш натижасида қуйидаги муҳим илмий хулосаларга келиш мумкин. Масалан, хизмат билан таъминланганликни ифодалайдиган кўрсаткичларда соҳадаги бир ходимга тўғри келадиган аҳоли

сони кўп бўлса, ушбу соҳани ривожлантириш лозим бўлади. Агар тармоқдаги бир ходимга тўғри келадиган аҳоли сони кам бўлса, тармоқнинг самарадорлиги ҳам ошади, сифати ҳам яхшиланади. Тармоқдаги бир ходимга тўғри келадиган аҳоли сони кўп бўлса, хизмат кўрсатиш ҳам қийинлашиб боради, натижада сифати ҳам пасаяди.

Аҳолини хизматлар билан таъминланганлик даражасига қараб, унинг турмуш даражасини ҳам аниқлаш мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, соҳадаги бир ходимга аҳоли сони қанчалик кўп бўлса, бу аҳолининг турмуш даражаси шунчалик пастлигидан далолат беради. Аксинча, тармоқдаги бир ходимга тўғри келадиган аҳоли сони қанчалик кам бўлса, у аҳолининг турмуш даражаси ошганлигини кўрсатади. Хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли улуши ортиб борса, тармоқдаги бир ходимга тўғри келадиган аҳоли сони ҳам қисқариб боради. Таъминланганлик даражаси макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимида хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини комплекс таҳлил қилиш ва баҳолаш учун имкон яратади. Унинг ёрдамида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун қуйидагилар аниқланади:

- миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолатини;
- аҳолининг турмуш даражасини ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини;
- хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида янги иш ўринларини очиш имкониятини;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлигини.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини баҳолашда хизматлар билан таъминланганликни ифодаладиган кўрсаткичлар ўта муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва унинг юксалишини таъминладиган асосий йўналишлардан бири – хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобланади. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасининг мавқеини кўтариш, ЯИМдаги улушини ошириш ва уни мустаҳкамлаш учун унга таъсир қиладиган омилларни аниқлаш лозим.

1. Инновациялар;

2. Иқтисодий омилларнинг мажмуаси, яъни: товарлар тўғрисида истеъмолчиларнинг тасаввурларини ўзгариши (моддий товарлар ва хизматлар ўртасидаги фарқларнинг йўқолиши); меҳнатнинг ижтимоий тақсимотининг ўсиши, аҳолида бўш вақт хажмларининг кўпайиши; бўш вақти фаолиятини танлаш эркинлигининг кенгайиши; саноат ишлаб чиқариши диверсификацияланишининг кучайиши; бозор сегменталанишининг чуқурлашиши; рақобатнинг янги шакллари ривожланиши; турли истеъмол хизматларига талабнинг ўсиши; моддий товарларнинг сервис хизматлари тизимларининг ривожланиши;

3. Истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар манфаатларининг мос келиши;

4. Ижтимоий-демографик омиллар (аҳолининг пул даромадлари, аҳоли сони);

5. Сиёсий-ҳуқуқий омиллар, шу жумладан, иқтисодиётга ва хизматлар соҳасига давлат томонидан тартибга солишни таъсирининг эркинлаштириш

6. Бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси – банк тизимини, суғурталаш тизимини, тақсимлаш тизимини (фонд биржаси, товар биржалари, маҳсулот, хом-ашё ва материаллар билан улгуржи савдоси), ҳуқуқий, консалтинг, реклама ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатадиган бозор воситачилари тизими. Ушбу омиллар бизнесга кириб бориш тўсиқлари ва тадбиркорлик таваккалик даражасини камайтиради.

7. Ижтимоий-маданий омиллар: мамлакатлараро маданий фарқлар, миллий маданий хусусиятлар ва анъаналар.

8. Табиий муҳит: ресурсларнинг чекланганлиги ва етишмаслиги анаънавий хизматларнинг кўпайиши ҳамда ресурслардан унумли фойдаланиш, инсон саломатлигини сақлаш ва ташқи муҳитни яхшилаш билан боғлиқ янги хизматлар турларини пайдо бўлишига олиб келади.

II-БОБ. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати

2.1. Иштихон туманининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи

Иштихон— Самарқанд вилоятидаги қишлоқ тумани ва шу туман маркази номи. Иштихон қадимдан маълум бўлиб, илк заминдорлик даврида мустақил ҳокимликнинг маркази бўлган, кейинчалик Сўғдиёна таркибига кирган. Самарқанд араблар томонидан босиб олинган, Сўғд ишхидлари Иштихонга келиб, уни пойтахт қилган. X асрларда Иштихон қалъа, шаҳристон ва рабоддан иборат катта шаҳар бўлган. Кейинги асрларда ҳам йирик савдо шаҳри сифатида машҳур эди. Тарихий манбаларда Иштихон савдо-сотиқ ривожланган, атрофи боғ-роғ, далалар билан ўралган чиройли шаҳар сифатида тилга олинади. Иштихонга Зарафшон дарёси орқали сув келган. Кейинчалик шаҳар харобага айланган. Унинг ўрнида кичикроқ қишлоқ — ҳозирги Иштихон шаҳри вужудга келган.

Иштихон топоними этимологияси ҳақида аниқ маълумот йўқ. Манбаларда “**ичди қон**”, “**ишқи хон**”, “**ичди хон**” каби тахминий фикрлар мавжуд³⁷.

Иштихон тумани Самарқанд вилоятининг саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланади.

Иштихон тумани ижтимоий-иқтисодий тизимининг асосий мақсади — барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида туман ва унинг ҳудудлари аҳолиси турмуш даражасини кўтариш, зарурий шарт-шароитлар яратиш, туман иқтисодий тизимида тўла бандликни таъминлашдан иборат.

Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсишни таъминлаш ҳамда ижтимоий соҳадаги ислохатларни чуқурлаштириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

³⁷ http://samarkand.uz/uzc/ishtikhan_district

Иштихон туманининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари Самарқанд вилоятининг ўртача кўрсаткичлари билан таққосланган қиёсий маълумоти 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Иштихон туманининг Самарқанд вилоятининг кўрсаткичлари билан таққосланган маълумотлари, (2014 йил 1 январ ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Самарқанд вилояти	Иштихон тумани	Улуши, %
1.	Худуди	минг км ²	16,77	0,72	4,3
2.	Аҳолиси шундан:	минг киши	3 444,8	222,7	6,5
3.	Аҳолининг зичлиги, 1 кв. км	киши	205,4	309,3	-

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Иштихон тумани 18 май 1943 йилда ташкил топган бўлиб, туман маркази **Иштихон шаҳри** ҳисобланади. Туманда шаҳар типдаги посёлкалар (шаҳарчалар) сони 12 та, маҳалла фуқоролари йиғинлари сони 62 та, шундан шаҳар маҳаллалари сони 19 та, қишлоқ фуқаролар йиғинлари сони 9 та, қишлоқ аҳоли пунктлари 167 тадан иборат. Иштихон туманининг майдони 0,72 минг км², аҳолиси 222,7 минг (2014 йил 1 январь ҳолатига) киши. Туман вилоят ҳудудининг 4,3 % ини, аҳолисининг эса 6,5 % ини ташкил қилади. Аҳолининг зичлиги Самарқанд вилоятида 1 кв.км. – 205,4 кишини ташкил қилса, Иштихон туманида бу кўрсаткич 309,3 кишидан иборат, ўртача вилоят кўрсаткичидан юқори.

2011-2013 йилларда Иштихон туманида барча соҳалар миқдор кўрсаткичларида ўсиш кузатилган (6-жадвал).

Келтирилган 6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Иштихон туманида 2011-2013 йиллар давомида барча макроиқтисодий кўрсаткичларида ўсиш кузатилган. Республикамизда ва Самарқанд вилоятида бир қатор дастурлар, чунончи қишлоқ туманларда аҳолига турар жой қуришга, хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ, Иштихон туманида пудрат ишлари ҳажми 2012 йилга

нисбатан 20,9 %га, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми 16,6 %га, чакана савдо ҳажми 14,2 %га оширилди.

6-жадвал

Иштихон туманининг 2011-2013 йиллардаги макроиктисодий кўрсаткичлари ҳолати

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил
1	Саноат маҳсулоти	млрд.сўм	43,7	51,2	58,8
	Ўсиш суръати	%	109,4	113,1	113,0
2	Истеъмол моллари	млрд.сўм	15,3	18,6	22,4
	Ўсиш суръати	%	117,2	119,4	121,2
3	Капитал қўйилмалар	млрд.сўм	29,5	45,4	57,3
	Ўсиш суръати	%	118,0	140,1	112,5
4	Пудрат ишлари	млрд.сўм	27,9	36,3	48,7
	Ўсиш суръати	%	169,1	122,2	120,9
5	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд.сўм	218,6	250,5	305,1
	Ўсиш суръати	%	105,7	106,1	106,2
6	Чакана савдо	млрд.сўм	71,1	139,4	161,0
	Ўсиш суръати	%	113,3	122,3	114,2
7	Пуллиқ хизмат	млрд.сўм	33,0	42,4	72,9
	Ўсиш суръати	%	113,4	116,2	116,6
8	Экспорт	млн.долл	-	37,0	106,0
	Ўсиш суръати	%	-	-	2,8 марта
9	Импорт	млн.долл	2058,0	1341,9	4641,2
	Ўсиш суръати	%	164,1	65,2	3,5 марта

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Ҳозирги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози таъсири давом этаётган шароитда жаҳон бозорларида товарларга бўлган талабнинг кескин пасайиб боришига қарамай Иштихон туманида экспорт ҳажми 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 2,8 марта кўпайганлиги ижобий ҳолатдир.

Иштихон тумани Самарқанд вилояти иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ўзининг алоҳида ўрнига эга (7-жадвал).

Туманда 2014 йил 1-январ ҳолатига жами 58,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2012 йилга нисбатан 13,0 % га кўп демакдир.

7-жадвал

2014 йил 1 январь ҳолатига Самарқанд вилояти ва Иштихон туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари солиштирма таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Самарқанд вилояти	Иштихон тумани	Улуши, %
1.	Саноат маҳсулоти	млрд. сўм	3298,4	58,8	1,78
	Ўсиш суръати	%	113,6	113,0	х
2.	Истеъмол моллари	млрд. сўм	2121,4	22,4	1,06
	Ўсиш суръати	%	114,3	121,2	х
3.	Капитал қўйилмалар	млрд. сўм	1813,2	57,3	3,16
	Ўсиш суръати	%	120,0	112,5	х
4.	Қурилиш ишлари	млрд. сўм	1199,6	48,7	4,06
	Ўсиш суръати	%	118,6	120,9	х
5.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд. сўм	3732,3	305,1	8,17
	Ўсиш суръати	%	106,5	106,2	х
6.	Савдо айланмаси	млрд. сўм	3929,2	161	4,10
	Ўсиш суръати	%	116,6	114,2	х
7.	Пуллик хизматлар	млрд. сўм	1744,9	72,9	4,18
	Ўсиш суръати	%	118,3	116,6	х
8.	Экспорт	минг АҚШ доллари	163668,2	106,0	0,06
	Ўсиш суръати	%	115,3	2,8 марта	х
9.	Импорт	минг АҚШ доллари	693481,9	4641,2	0,67
	Ўсиш суръати	%	126,3	3,5 марта	х

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Иштихон туманида 2013 йилда нафақат саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш балки барча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар 2012 йилга нисбатан ўсиш тенденциясига эга. Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларининг салкам 1,8 фоизга яқини, истеъмол молларининг 1,0 фоизга яқини, қурилиш

ишларининг 4,0 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсуотларининг 8,2 фоизи, экспортнинг 0,06 фоизи Иштихон тумани ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозирги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодий қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Охирги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси, аҳоли фаровонлигини ошириш омили сифатида қаралмоқда. Иштихон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган

8-жадвал **жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 2013 йилда туманда 46,1 фоизи (вилоятда 52,1 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 56,6 фоизи (вилоятда 57,1 фоиз) кичик тадбиркорликда шаклланди. 2013 йилда туманда жами** меҳнатда банд аҳоли умумий сонининг ўртача 88,8 фоизи (вилоятда 82,0 фоиз), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг 100,0 фоизи

(вилоятда 98,4 фоиз), қурилиш ишларининг 100,0 фоизи, экспортнинг эса 100,0 фоиз ҳиссаси айнан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига **тўғри келган**.

8- жадвал
Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг асосий кўрсаткичлари
(фоизда)

Кўрсаткичлар	Самарқанд вилояти		Иштихон тумани	
	2012 й	2013 й	2012 й	2013 й
ЯҲМ	75,9	77,1	х	х
Меҳнатда банд аҳолининг умумий сонидан	81,8	82,0	88,5	88,8
Экспортда	67,8	74,4	-	100,0
Импортда	53,8	52,2	100,0	100,0
Саноат маҳсулоти	38,3	42,2	38,6	42,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	98,4	98,4	100,0	100,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	52,5	48,3	67,8	66,8
Қурилиш ишлари	92,3	95,0	100,0	99,9
Чакана савдо айланмаси	50,6	52,1	37,7	46,1
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	53,9	57,1	69,6	56,6
Юк ташиш	68,8	69,9	65,4	66,6
Юк айланмаси	93,6	94,1	96,3	96,8
Йўловчи ташиш	83,4	82,7	83,2	84,3
Йўловчи айланмаси	82,7	81,8	91,9	90,6

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Туманнинг иқтисодий ривожланишига баҳо беришса аҳоли жон бошига тўғри келадиган иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш, туман аҳолисининг фаровонлиги тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш имкониятини беради (9-жадвал).

Келтирилган 5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг юқори кўрсаткич бўлиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисобланади. Жумладан, 2013 йилда аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1370,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 223,0 минг сўмга ошган. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ҳам

кузатилиб, 2012 йилга нисбатан 29,6 минг сўмга ошиб 2013 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми 264,0 минг сўмга етган.

9-жадвал

Аҳоли жон бошига иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили (сўм)

Кўрсаткичлар	2012-йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Саноат маҳсулоти	234432,2	264032,3	29600,1	112,6
Истеъмол моллари	85164,8	100583,7	15418,9	118,1
Капитал қўйилмалар	207875,5	257296,8	49421,4	123,8
Қурилиш ишлари	166208,8	218679,8	52471,0	131,6
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	1146978,0	1370004,5	223026,5	119,4
Чакана товар айланмаси	638278,4	722945,7	84667,3	113,3
Пуллик хизмат	194139,2	327346,2	133207,0	168,6

Манба: Самарқанд вилояти Статистика Бошқармаси тезкор дастлабки маълумотлари асосида ҳисобланди

Иштихон туманида 2013 йилда аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмларининг ҳам юқори суръатлар билан кўпайганлигини кузатиш мумкин. Хулоса ўрнида, Иштихон туманининг 2013 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган барча кўрсаткичларида ўсиш тенденцияси кузатилган.

2.2. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳолати

Ҳозирги кунда Республикамизда кўплаб хизмат кўрсатиш тармоқлари ўз фаолиятларини кўрсатмоқда. Бу хизмат кўрсатиш соҳаларини айримларини мисол тариқасида келтириб ўтамиз. Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари; сайёҳлик, меҳмонхоналар фаолияти; автосервис хизматлари; матбуот хизматлари; транспорт хизматлари; компьютер ва интернет тармоғи; суғурталаш хизматлари; банк хизматлари; бухгалтерия ҳисобини автоматик тизимларини ривожлантириш бўйича хизматлар; архитектура ва қурилиш хизматлари; маркетинг хизматлари; маиший хизматлар; тиббий ва бошқа хизматлар шулар жумласидандир. Хизмат турларини ривожлантириш – мамлакат иқтисодиётини ривожланишига асосий ҳисса қўшади. Хизмат сифатини ошириш ва ривожлантириш бугунги кун кўрсатилаётган хизматнинг асосий мақсади ва вазифаси ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аввало уни иқтисодиётда қандай ҳолатда эканлигини аниқлаб ўрганиб чиқиб, таҳлил қилиш лозим бўлади. Шу сабабли бизлар таҳлилни Иштихон туманида хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳолатини ўрганишдан бошладик (10-жадвал)

Қуйида келтирилган 6-жадвал маълумотлари ҳисоб-китоби шуни кўрсаткичидаки, Иштихон туманида жами хизматлар 2013 йилда 143401,6 млн. сўмни ташкил этиб 2012 йилга нисбатан 124,9 фоизга кўпайган. Энг юқори кўрсаткичлар компьютерли программалаштириш хизматлари 140 марта, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати 21 марта, маиший хизмат кўрсатиш 8,9 марта ва транспорт хизмати 2,5 марта ўсиши кузатилган бўлса, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари ва қурилиш хизматлари 2012 йилга нисбатан камайган.

10–жадвал

Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати таҳлили

(млн. сўм)

Хизмат кўрсатиш турлари	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Компьютерли программалаштириш хизматлари	0,1	14,0	13,9	14000
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	732,3	15260,9	14528,6	2084,0
Молия хизмати	4 923,0	8905,3	3982,3	180,9
Транспорт хизмати	12 045,1	30329,0	18283,9	251,8
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	138,0	252,1	114,1	182,7
Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	667,4	42,0	-625,4	6,3
Қурилиш хизмати	6 662,8	4788,3	-1874,5	71,9
Туризм хизмати	-	-	-	-
Савдо ва умумий овқатланиш хизмати	19 680,0	27729,5	8049,5	140,9
Маиший хизмат кўрсатиш	1 858,9	16528,6	14669,7	889,2
Таълим хизмати	1 944,7	3226,6	1281,9	165,9
Соғлиқни сақлаш хизмати	779,9	1494,6	714,7	191,6
Қишлоқ хўжалик соҳасидаги хизматлар	-	5711,0	5711,0	х
Бошқа хизматлар	14 324,4	29119,7	14795,3	203,3
Жами хизматлар	63 756,6	143401,6	79645,0	224,9

Манба: Самарқанд вилояти Иқтисодиёт Бошқармаси тезкор дастлабки маълумотлари асосида ҳисобланди

Иштихон туманининг иқтисодий барқарорликка эришиши хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланишига боғлиқ. Шундай экан бизлар, Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг йиллар мобайнидаги ўзгаришини таҳлил қилишни лозим топдик (11-жадвал).

Иштихон туманида 2011 – 2013 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзгариш динамикаси таҳлили

Йиллар	Хизматлар жами млн. сўм	Абсолют ўсиши, млн. сўм		Ўзгариш суръати, %	
		Ўтган йилга нисбатан	2011йилга нисбатан	Ўтган йилга нисбатан	2011 йилга нисбатан
2011	57 407,1	-	-	-	100,0
2012	63 756,6	6 349,5	6 349,5	111,1	111,1
2013	143 401,6	79 645,0	85 994,5	224,9	249,8

11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Иштихон туманида 2011 йилдан 2013 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳаси бир текис ўсиш тенденциясида ривожланган. Хизмат кўрсатиш соҳасининг сўнгги уч йилдаги энг юқори ўсиш тенденцияси 2013 йилда кузатилган бўлиб, 2011 йилга нисбатан 85 994,5 млн. сўм ёки 2,5 мартага ошган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари (алоқа ва ахборотлаштириш, компьютер дастурлаш, банк, суғурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия) жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Буларни инобатга олиб бизлар Иштихон туманида ушбу хизматларнинг ривожланиши, уларнинг жами хизматлардаги улуши аниқладик (12-жадвал).

Жадвал маълумотларидан дастлаб кўзга ташланадиган ҳолат бу – хизматлар таркибида туристик хизматларнинг йўқлигидир. Буни ҳозирги кунда туманда бор йўғи 1 та меҳмонхона мавжудлиги (5 та хонали ва 15 ўринли) ва туристик фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг ҳамда зиёратгоҳларнинг йўқлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Ҳозирги кунда туманда жами 70 та тарихий обидалар³⁸ мавжудлигига қарамасдан туманга туристларни жалб қилиш масаласи ҳалигача долзарблигича қолмоқда. Умуман олганда

³⁸ Самарқанд вилоят Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси маълумотида асосан

туристик хизматларни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим деб ўйлаймиз.

12–жадвал

Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари ҳолати таҳлили (млн. сўм)

Хизмат кўрсатиш турлари	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)
Компьютерли программалаштириш хизматлари	-	0,01	0,01
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	1,15	10,64	9,49
Молия хизмати	7,72	6,21	-1,51
Транспорт хизмати	18,89	21,15	2,26
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	0,22	0,18	-0,04
Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	1,05	0,03	-1,02
Қурилиш хизмати	10,45	3,34	-7,11
Туризм хизмати	-	-	-
Савдо ва умумий овқатланиш хизмати	30,87	19,34	-11,53
Маиший хизмат кўрсатиш	2,92	11,53	8,61
Таълим хизмати	3,05	2,25	-0,80
Соғлиқни сақлаш хизмати	1,22	1,04	-0,18
Қишлоқ хўжалик соҳасидаги хизматлар	-	3,98	3,98
Бошқа хизматлар	22,47	20,31	-2,16
Жами хизматлар	100	100	х

Манба: Самарқанд вилояти Иқтисодиёт Бошқармаси тезкор дастлабки маълумотлари асосида ҳисобланди

Иштихон туманида 2013 йилда хизмат кўрсатиш таркибида транспорт хизматлари устувор аҳамиятга эга бўлиб, умумий хизматларнинг 21,15 фоизини ташкил этиб, 2012 йилга солиштирганда жами хизматлардаги улуши 2,26 пунктга ошган. Ҳозирги кун талабидан келиб чиқган юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг улуши 10,64 фоизни, технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматларининг ҳиссаси 0,18 фоизни, компьютерли программалаштириш хизматлари эса 0,01 фоизни ташкил этиб, бунинг натижасида савдо ва умумий овқатланиш, молиявий, таълим, соғлиқни сақлаш хизматларининг улуши камайишига олиб келган.

2.3. Иштихон туманида аҳолига хизмат кўрсатиш ҳолати

Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш иқтисодийнинг асосий тармоқларидан бўлиб, халқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантиришда воситачи ролини ўйнамоқда.

Шу билан бир вақтда, хизмат турлари кўпайиб, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотида ҳиссаси ортиб бормоқда, хизмат соҳасида янги иш ўринлари очилиб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланмоқда.

Ўзбекистон мустақил бўлиб, БМТга аъзо (1992 йил 2 март) бўлиб, халқаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйгач, макроиқтисодий кўрсаткичлар-ни ҳисоблаш ва статистика ишларини халқаро ҳисоб ва статистикада қўлланаётган услубиётга мослаштирди. Халқ хўжалиги тармоқлари умумдавлат таснифлагичи (ХХТУТ), корхона-ташкilotларнинг умумдавлат тасниф-лагичи (КТУТ); иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи (ИФТУТ) ва фаолият турлари бўйича хизматларнинг умумдавлат таснифлагичи (ФТБХУТ) ишлаб чиқилди.

Хизмат турлари жуда кўп ва турли-туман бўлиб, иқтисодий адабиётларда улар турли белгилари (моддийлиги, ишлаб чиқаришга ёндошиши, тақдим этиш шакллари ва шу кабилар) бўйича таснифланган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва «Ўзстандарт» агентлигининг 2006 йил 12 майдаги 05-15-сонли қарорига асосан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилган, ФТБХУТ муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шундай қилиб, фаолият турлари бўйича хизматлар ФТБХУТда 17 секция, 99 та бўлим, юзлаб турларга гуруҳланган ва улар тегишли равишда кодлаштирилган. ФТБХУТ мамлакат миқёсида хизматларни турлари бўйича тўғри, бир хилда таснифлашни ва улар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиришга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси 2007 йилдан бошлаб, хизматларнинг: савдо ва овқатланиш хизматлари, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, молия хизматлари,

туристик-экскурсия хизматлари, меҳмонхона хизматлари, коммунал хизматлар, маиший хизматлар, автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаш, болаларни соғломлаштириш ва спорт муассасалари хизматлари; турлари бўйича гуруҳлаштириб маълумотларни бермоқда.

Аҳолига хизматларни асосан корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўрсатишини инобатга олиб, бизлар таҳлилини Иштихон туманида хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ўрганишдан бошладик.

13-жадвал

Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган янги корхоналар сони

(бирлик)

№	Худуд номи	2011 йил		2012 йил		2013 йил	
		режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
1.	Самарқанд вилояти	349	388	746	761	1114	1121
	Режа бажарилиши, (+;-), %	+39	111,2	+15	102,0	+7	100,6
2.	Иштихон тумани	19	21	47	50	64	64
	Режа бажарилиши, (+;-), %	+2	110,5	+3	106,4	-	100,0
3.	Иштихон туманининг Самарқанд вилоятидаги улуши,%	5,0	5,4	6,3	6,6	5,7	5,7

Манба: Самарқанд вилояти Паспорти 2012-2014 йил маълумотлари асосида ҳисобланди

Самарқанд вилоятида ва Иштихон туманида 2013 йилга мўлжалланган хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ташкил қилиш мақсадли кўрсаткичларининг бажарилиши натижасида вилоят ва унинг туманларида жами 1121 та хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиб, режа 100,6 фоизга ортиғи билан бажарилди. Ташкил этилган барча хизмат кўрсатиш корхоналари улушида Иштихон туманининг улуши 5,7 ташкил этган. Умуман олганда Самарқанд вилоятида жами сўнгги уч йил ичида 2270 та Иштихон туманида эса 135 та хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилган бўлиб, бунинг натижасида аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари билан таъминланиш даражаси ўсиб бормоқда.

Иштихон тумани хизмат кўрсатиш соҳасининг Самарқанд вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини баҳолаш аҳолини хизмат кўрсатиш корхоналари билан таъминланганлик даражаси билан ҳам белгиланади. Чунки, хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони соҳанинг ривожланиши учун катта имкониятлар яратади. Ушбу кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда келтирилган (14-жадвал).

14-жадвал

**Иштихон туманида аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳаси
корхоналари билан таъминланганлиги таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013 йилда 2011 йилга нисбатан, ўзгариши, %
1	Аҳоли сони (минг киши)	213,9	218,4	222,7	104,1
2	Хизмат кўрсатиш шаҳобчалари сони	1665	1715	1879	112,8
3	Ҳар 10000 та аҳолига тўғри келадиган хизмат кўрсатиш шаҳобчалари сонини	77,8	78,5	84,4	108,5

Манба: Самарқанд вилояти Паспорти 2012-2014 йил маълумотлари асосида ҳисобланди

Тадқиқотлар давомида 2011 йилга нисбатан 2013 йилда Иштихон туманида хизмат кўрсатиш шаҳобчалари сони 214 та (1879-1665)га ва 12,8 фоизга ошган бўлса, ҳар 10 000 та аҳолига тўғри келадиган хизмат кўрсатиш шаҳобчалари сони 2011 йилда деярли 78 та ($1665 \cdot 10000 : 213900$) ни, 2012 йилда 79 та ($1715 \cdot 10000 : 218400$) ни ва 2013 йилда 85 та ($1879 \cdot 10000 : 222700$) ни ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан солиштирганда деярли 7 тага кўпайганлиги ва 8,5 фоизга ошганлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар туманда аҳолининг хизмат кўрсатиш шаҳобчалари билан таъминланиш даражасининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, Иштихон туманида бундан кейин ҳам хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сонини кўпайтириш, уларга малакали мутахассислар жалб этиш орқали аҳолига сифатли хизматлар кўрсатиш ва шу асосда соҳанинг туман ва қолаверса вилоят ялпи ҳудудий

махсулотдаги улушини ошириш ишларини давом эттириш давр талаби ҳисобланади. Чунки, ушуб соҳада фаолият олиб бораётган корхоналарнинг самарали фаолияти, рақобатбардошлиги, уларнинг олган фойдаси ва ресурслари туман ва вилоят хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини белгилаб беради.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти биринчи галда инсон манфаатларини кўзлайди. Инсонга муносиб турмуш шароитларини яратиш вазифасини ижобий ҳал этилиши хизмат кўрсатиш соҳасининг тараққиётига боғлиқ. Иштихон туманида аҳолига кўрсатиладиган хизматлар бўйича бажарилган ишлар ҳажми ва унинг ривожланиш суръатлари қуйидаги 15-жадвалда келтирилган.

15-жадвал

Иштихон туманида 2011-2013 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг таҳлили

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013 йилда 2011 йилга нисбатан, %
Аҳоли сони (минг киши)	213,9	218,4	222,7	104,1
Хизматлар ҳажми (млн.сўм)	57407,1	63756,6	143401,6	249,8
Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми (минг сўм)	268,4	291,9	643,9	239,9

Манба: Самарқанд вилояти Иқтисодиёт Бошқармаси тезкор дастлабки маълумотлари асосида ҳисобланди

Иштихон туманида аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, хизматлар ҳажми 2013 йилда 143401,6 млн. сўмни ташкил қилди. Бу эса 2011 йилга нисбатан 79645,0 (143401,6-57407,1) млн. сўмга кўп, яъни шу давр мобайнида ушбу кўрсаткич 2,5 марта ошган. Доимий аҳоли сонининг ўсиши 2011 йилга нисбатан 2013 йилда 8800 кишини ташкил этган бир даврда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг 2,4 мартага ошиши ижобий ҳолатдир. Лекин, Иштихон туманида аҳолига кўрсатиладиган хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда уларни шаҳар даражасига яқинлаштириш имкониятлари ҳали жуда кўп.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг яна муҳим кўрсаткичларидан бири – пуллик хизматлар ҳисобланади. Маълумки, пуллик хизматлар ҳам аҳолига ҳам корхона ва ташкилотларга кўрсатилади. Аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Аҳолига кўрсатилаётган пуллик хизматларнинг Иштихон тумани бўйича таҳлили (16-жадвал) бўйича қуйидаги хулосаларга келинди.

16-жадвал

Иштихон туманида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажмининг таҳлили

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Аҳоли сони (минг киши)	218,4	222,7	4,3	102,0
Аҳолига пуллик хизматлар ҳажми (млн.сўм)	55101,3	72885,9	17784,6	132,3
Аҳоли жон бошига пуллик хизматлар ҳажми (минг сўм)	252,3	327,3	75,0	129,7

Манба: Самарқанд вилояти Иқтисодиёт Бошқармаси тезкор дастлабки маълумотлари асосида ҳисобланди

Иштихон туманида 2013 йилда жами пуллик хизматлар 72885,9 млн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 17784,6 млн. сўмга ёки 32,3 фоизга ошган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пуллик хизматлар ҳажмида ҳам ўсиш тенденцияси кузатилиб, бу кўрсаткич 2012 йил билан солиштирганда 75,0 минг сўм (327,3-252,3) га ва салкам 30,0 фоиз $((327,3 \cdot 100 / 252,3) - 100)$ га яқин ошганлигини кузатишимиз мумкин. Аммо, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига пуллик хизматлар ҳажми 2012 йилда 457,2 минг сўмни, Самарқанд вилоятида эса 387,2³⁹ минг сўмни, 2013 йилда Самарқанд вилоятида 511,3⁴⁰ минг сўмни ташкил этганлигини инобатга олсак туманнинг хизмат кўрсатиш соҳаси кўрсаткичларини республика ва вилоят кўрсаткичлариникига етказиш масаласига жиддий эътибор қаратиш – ишга солинмаган имкониятларни излаб топишни тақозо этади.

³⁹ Йиллик Статистик тўплам. –Т.: 2013йил, 165-бет.

⁴⁰ Самарқанд вилоят Паспорти 2014 йил маълумотлари.

Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири – аҳоли бандлигидир. Аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Ушбу муаммони ечишда хизмат кўрсатиш соҳаси етакчи ўринга чиқиши лозим. Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг ишсиз қатламини ўзи истаган соҳада банд бўлиш имконини беради. Соҳанинг бундай хусусиятларидан фойдаланиш сифатли хизмат кўрсатишни таъминлайди. Бозор иқтисодиёти хизмат кўрсатиш соҳасини босқичма-босқич ривожлантириш, аҳолининг бандлик даражасини бирмунча ошириш имконини беради. Хизмат кўрсатиш соҳасининг бандлик муаммоларини ҳал этишда мавжуд имкониятларини аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш мақсадида Самарқанд вилояти кўрсаткичларини Иштихон тумани билан таққослама таҳлил қилдик (17-жадвал)

17-жадвал

Иштихон туманида 2013 йилда хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида яратилган янги иш жойлари⁴¹

Кўрсаткичлар	Самарқанд вилояти	Иштихон тумани	Улуши, %
Барча йўналишларда яратилган янги иш ўринлари, киши	94452	5901	6,2
<i>шу жумладан</i>			
Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобидан ташкил этилган янги иш жойлари, киши	34550	2736	7,9
Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобидан ташкил этилган янги иш жойларининг барча йўналишларда яратилган янги иш ўринларидаги улуши, %	36,6	46,4	х
<i>шундан</i>			
Саноатда, киши	7467	750	10,0
Қурилишда, киши	5874	433	7,4
Хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланишда, киши	21209	1553	7,3
Хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланишда ташкил этилган янги иш жойларининг кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобидан ташкил этилган янги иш ўринларидаги улуши, %	61,4	56,8	х
Хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланишда ташкил этилган янги иш жойларининг барча йўналишларда яратилган янги иш ўринларидаги улуши, %	22,5	26,3	х

⁴¹ Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотларига асосан

Самарқанд вилояти ва Иштихон туманида 2013 йилда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурига биноан хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида вилоятда жами 21209 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, туманда 1553 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич вилоятда хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида яратилган барча янги иш ўринларининг 7,3 фоизи Иштихон тумани ҳиссасига тўғри келганлигини кўрсатади. Хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланишда ташкил этилган янги иш жойларининг 2013 йилда барча йўналишларда яратилган янги иш ўринларидаги улуши вилоятда 22,5 фоизни, туманда эса 26,3 фоизни ташкил этган. Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, моддий ишлаб чиқариш тармоқларида, яъни саноат, қурилишда хизмат кўрсатиш соҳасига нисбатан кам иш ўринлари яратилишига ҳаракат қилинган. Чунки, моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, унда меҳнат унумдорлиги ошиб борган сайин, ушбу тармоқда банд аҳоли сони бундан кейин ҳам камайиб бораверади. Таҳлил натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, Самарқанд вилояти ва Иштихон туманида аҳолини асосан тез ривожланиб бораётган ва кўплаб янги иш ўринлари яратилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ишга жойлаштириш мумкин бўлади. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш таркибида бундай ўзгаришларни ижобий жараён сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, у мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ролини ошириш йўлида олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатнинг моҳиятига мос келади.

III-БОБ. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш имкониятлари

3.1. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳалари сингари хизматлар соҳасини ҳам устувор даражада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу сабабли мамлакатимизни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда.

Мамлакатимизда кейинги ўн йилликда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг мустақил тармоғига айланди. Бу ҳолат қуйидаги сабабларга кўра юзага келди:

- давлат молиялаштирилишининг камайиши, яъни мулк шаклини ўзгартириш жараёнларининг таъсири ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида аҳолига ва ташкилотларга пуллик хизматлар кўрсатиш ошиб борди;
- кўплаб янги хизмат турлари пайдо бўлди;
- хизмат кўрсатиш корхоналари орасида рақобат кучайди.

Иқтисодий ислохотларни юксалтириш, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларни босқичма-босқич амалга ошириш республикаимизда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қуйидаги чора-тадбирлар хизматлар соҳасининг ривожланишига имкон бермоқда:

❖ соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, болалар спортини ривожлантириш, компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологиялари, коммунал хизматлар, уй-жой қурилиши, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, иш билан бандликнинг минтакавий дастурлари, кичик бизнесни ривожлантириш, банк соҳасини ислоҳ қилиш ва бошқа тармоқ дастурларини амалга ошириш;

❖ депозитар тизим, аудиторлик, лизинг, реклама, адвокат, консалтинг, суғурта фаолиятлари, микромолиялаштириш ва кредит уюшмаларини ташкил этиш каби янги бозор институтларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар;

❖ транспорт коммуникацияси тизимлари, телефон алоқа станциялари ва линияларини ривожлантириш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш, меҳмонхоналар тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ҳаётга жорий этиш.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, муайян бир соҳани ривожлантиришда унга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқламасдан, уларнинг ечимларини топмасдан туриб бу соҳани келажакда ривожлантириш қийин ҳисобланади. Шу сабабли ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг устувор йўналишларини белгилаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишимизнинг 2.1. ва 2.2. параграфларида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бугунги кунда Иштихон туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган бўлсада, лекин соҳада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Туманнинг қишлоқ жойларига ушбу соҳани олиб кириш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги;
2. замонавий хизматлар талаб даражада ривожланмаганлиги;

3. хизмат кўрсатиш соҳасида айланма маблағларнинг етишмаслиги;
4. хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестициялар киритилишининг камлиги;
5. хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқларини вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатининг ўз вақтида изчил амалга тадбиқ этмаслиги;
6. хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги;
7. “Хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги Қонуннинг мавжуд эмаслиги ва бошқ.

Юқоридаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда, бизнинг фикримизча, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- туман аҳолисининг ушбу соҳага бўлган эҳтиёжининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда янги хизматлар тури ва шаклини янада кенгайтириш;
- миллий статистика тизимида хизмат кўрсатиш хизматлари бозорини таҳлил этиш имконини берувчи кўрсаткичлар тизимининг ҳисобини юритиш;
- жойларда, айниқса, қишлоқларда ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилма, хусусан сервис кўрсатиш инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида муайян имтиёзлар бериш эвазига банкларнинг кредит портфели улушини кўпайтириш;
- туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўлган туризм-мехмонхона хўжалиги бизнеси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ҳамда тиббиёт ва қайта ишлашни ривожлантириш учун ускуналар билан ишловчи КБХТ субъектларига имтиёзли фоиизлардаги лизинг хизматлари ва сервисини кенгайтириш;
- қишлоқ жойларида маиший хизмат, сервис, телекоммуникация, ахборот-маслаҳат ва компьютер хизматлари каби соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш;
- коллежларда махсус хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи янги йўналишларни очиш;

- коллежларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларга янги субъектларни очиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш.
 - аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;
 - янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;
 - хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириб бориш;
 - инвестицияларни (шу жумладан, чет эл инвестицияларини), замонавий технология ва ускуналарнинг жалб этилишини, ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматлар ривожлантирилишини ташкил этиш;
 - кўргазма ва ярмаркаларда, инвестицион ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш;
 - туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш;
 - тадбиркорлик субъектлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.
 - бозор инфратузилмаларини (бизнес-инкубаторлар, ўқув марказлари, консалтинг хизмат кўрсатувчи марказлар) ишини фаоллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
 - туманда тадбиркорликни ривожлантириш муамоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш;
 - соҳада мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш мақсадида тадбиркорлар ўртасида мунтазам тарзда сўровномалар ўтказиш.

3.2. Иштихон туманида хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари

Иштихон туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат соҳаларининг ривожланиши улар фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг концептуал йўналишлари ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконини беради

Маълумки, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятлар ўз навбатида ушбу соҳанинг иқтисодиётда тобора муҳим ўрин эгаллашини ҳам талаб этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини

иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда⁴².

Бугунги кунда хизмат соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этиши ҳаммага маълум. Аҳоли даромадларининг мазмуни ва таркиби бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин даромади асосан меҳнат даромадидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли, ҳар бир оила эндиликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари хиссасини оширишга кўплаб шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида⁴³ «хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайишини таъминлайди» – деб таъкидлайди.

Ушбу йиғилишда кичик бизнес субъектлари учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида, бу соҳадаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгилаб қуйилди:

1. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.

2. Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш. Қасдан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.

⁴² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади.. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.-1 б.

⁴³ Karimov I.A. Bizning bosh maksadimiz - jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va islox etishdir.- T.: Uzbekiston, 2005 .79-83 B.

² O'sha joyda. 79-83 B.

3. Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз махсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва ауксион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва хажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар қўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимида қайтишга бўлган ҳар қандай ўринишларга барҳам бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

4. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага молиявий қўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни тақозо этади. Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фойиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш юли билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш, бу ишни Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан ҳам қўллаб – қувватланипти. Шу мақсадда вазирлик ва идораларга кичик бизнес учун қўшимча қўллат ва имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини таёрлаш вазифаси топширилади. Бунда қуйидаги масалалар кўзда тутилиши зарурлиги таъкидланган⁴⁴:

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

Ўша жойда.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий сехлар очишни рағбатлантириш.

4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан таёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

Хизмат соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим тадбирлардан бири, уларга солиқ имтиёзларининг берилиши бўлди. Бунинг ифодаси 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди.

Хизмат курсатиш ва сервис соҳасини қўллаб – қувватлашда бозор инфратузилмаси ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини яратиш, хусусан тадбиркорларни бирлаштириб, улар манфаатини ҳимоя қилувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари катта аҳамиятга эга. Бу борадаги маълумотларнинг кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида ишбилармонлар ва касбий ассоциацияга аъзо бўлганлар сони кўпаяпти: Сўралган тадбиркорлик субъектларининг 22 фоизи товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоси ва 26 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси аъзоларидир. Тадбиркорлик субъектларининг ярмидан кўпи биронта ҳам уюшмага аъзо эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар бундай уюшмаларнинг ҳеч қандай нафи йўқлигини таъкидлаганлар. Сўралганларнинг 14 фоизи вилоятда ишбилармонлар ва касбий ассоциациялар борлигини умуман билишмайди.

Бозор инфратузилмасини яратиш, тадбиркорларни ўқитиш, имтиёзлар бериш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятига аралашишни чеклаш кабилар

давлат томонидан хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чораларнинг фақат бир қисмидир.

Республикада хусусан вилоятда тадбиркорликни ривожланиши учун қулай шароитларнинг яратилганлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1) Турли ривожланган бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда: Республика товар–хонашў биржаси, Агросаноатбиржа, Кўчмас мулк биржаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб–қувватлаш фонди, суғурта агентликлари, тадбиркорлик субъектларига консалтинг, аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатувчи «Консаудитинформ» агентлиги, муҳандислик ва лизинг фирмалари, кадрлар тайёрлаш маркази, кичик улгуржи дўконлар тармоғи ва бошқалар.

2) Чет эл кредит йўналишлари очилди ва уларни ўзлаштириш йўлга қўйилди.

3) 2002 йилда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида» ги қонун яқка ва оилавий тадбиркорлик субъектларини банкдан ташқари кредитлаш фаолиятини кенгайтиришга имкон яратди.

4) Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперасияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва «Касаначилик тўғрисида Низом»га кўра, касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

5) Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг соддалаштирилган механизмлари жорий этилди.

6) Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта ўқитиш, малака ошириш тизимининг ривожланишини таъминлайди.

7) Тадбиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишда ҳокимиятларда, ваколатли вазирлик ва ташкилотларда ўрнатилган “Ишонч телефонлари” ҳамда тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган вақтида берилувчи “текширишларни қайд этиш дафтари” ижобий рол ўйнайди.

Бу имкониятлар эса ҳар бир тадбиркор учун кенг шароитлар яратилганлигидан далолатдир. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш соҳасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарур. Тадбиркорликни юритишда тенг бўлган имкониятлар, тўсиқлар ҳалигача сақланиб турибди. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини сезиларли даражада қисқартиришни кўзда тутди.

Бундай чора-тадбирлар тадбиркорликнинг ривожига ҳам ёрдам беради, даромадларни ошириш ва оилалар турмуш даражасини тезроқ яхшиланишига олиб келади. Шу туфайли, хизматлар соҳасини ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимиз учун ўта муҳим тадбир эканлини идрок қилишимиз ва унга тегишли эътибор қаратишимиз зарур.

Хизмат курсатиш ва сервис соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимларини таҳлил қилиш қуйидаги вазифаларни аниқлаш имконини беради:

- инфратузилма ривожланмаган қишлоқ жойларда аёлларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш бўйича ресурс имкониятларни аниқлаш;
- йирик саноат корхоналари томонидан уйда бажариладиган ишлар ва хизматларга буюртма бериш ҳисобига уй меҳнати ишчи ўринларини яратиш параметрларини аниқлаш.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, барқарор иқтисодий ўсишга эга бўлган кўплаб давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчиларнинг улуши 50 фоиздан кам эмас ва бу бозор инфратузилмаси тармоқларини рағбатлантириш ва қувватлаш, интенсив омиллар ва меҳнат

унумдорлигининг ўсиши ҳисобига хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш орқали таъминланади.

Хизмат курсатиш соҳасининг янада ривожлантириш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Иштихон туманининг, бориш қийин ва иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ пунктлари аҳолисига ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3 – 5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз – маблағлари билан хизмат курсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқдан имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда муҳимдир. Чунки, кўпчилик тадбиркорлар бозор қонуниятларига кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларини тўғридан - тўғри молиялаштириш ва енгил шартлар билан кредит ва қайтимсиз грантлар бериш;

- Иш билан бандликни таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар (касаначилик) буйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш Иштихон туманида хизмат соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизмининг янада такомиллаштириш имконини беради.

3.3. Иштихон тумани хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида ёнғин ва меҳнат хавфсизлиги таъминлаш йўллари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Мехнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус химоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Гос энергоназор), прокуратура шунингдек касаба союз органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба союзларнинг ишлаб чиқаришдаги кумиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат қонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид бўлган қуриқларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ҳодисаларни тугри ҳисобга орилишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизми ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал химоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш уринларини текшириши мумкин.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектор хужаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя

килинишини, инструктажнинг уз вақтида утказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуқлигини аниқлаш, чиқиндиларни уз вақтида йиғиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш уринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касабга союз қошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги бўйича ишларни касабга союзига қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган корхона ва хоналар унинг ижозатсиз фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йўл ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буғ қозонлари, электр станциялари, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги кўтариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат кўрсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда

унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўлланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учкун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнгин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жихатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга - захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнгинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундan огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнгин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнгин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда куйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- 1)хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2)ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3)корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли

моддаларнинг миқдорини камайтириш;

4)ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавfli коицентрацияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;

5)ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;

6)ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;

7)ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;

8)технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;

9)белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;

10)технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув бўғи ёки инерт газ билан ишлаш;

11)хавfli жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

12)ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

13)кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

14)Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавfliлиги аввалдан баҳолашиб, сўнгра хавfliни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналари бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув бўғи, кўпик, инерт газлар, қуқунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Шунинг учун корхона объектлари ва майдонларини ёнғин ўчириш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

Хулоса ва таклифлар

“Иштихон туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожлантириш имкониятлари” мавзусидаги битирув малакавий ишни бажариш ва ўрганиш қуйидаги хулосаларни қилишга имконият берди:

1. **“Хизмат”** - бир томондан истеъмолчига, иккинчи томондан бозор субъектлари (ишлаб чиқарувчи, савдо турли хизматларни кўрсатувчи корхоналар)га фойда келтирадиган, инсонларнинг маълум эҳтиёжларини қондириш орқали уларга ёрдам (яхшилик) берадиган бозор субъектларининг фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир.

2. **“Сервис”** хизматларнинг мураккаб меҳнат жараёнидан иборат бўлган, юқори малакали ишчиларни талаб қиладиган айрим турларини мужассамлаштирган хизматни илғор туридир.

3. **“Хизмат кўрсатиш”** - инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолиятдир.

4. Иштихон туманида жами хизматлар 2013 йилда 143401,6 млн. сўмни ташкил этиб 2012 йилга нисбатан 124,9 фоизга кўпайган. Энг юқори кўрсаткичлар компьютерли программалаштириш хизматлари 140 марта, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати 21 марта, маиший хизмат кўрсатиш 8,9 марта ва транспорт хизмати 2,5 марта ўсиши кузатилган бўлса, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари ва қурилиш хизматлари 2012 йилга нисбатан камайган (10-жадвал).

5. Туманда 2011 йилдан 2013 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳаси бир текис ўсиш тенденциясида ривожланган. Хизмат кўрсатиш соҳасининг сўнгги уч йилдаги энг юқори ўсиш тенденцияси 2013 йилда кузатилган бўлиб, 2011 йилга нисбатан 85 994,5 млн. сўм ёки 2,5 мартага ошган (11-жадвал).

6. Иштихон туманида аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, хизматлар

ҳажми 2013 йилда 143401,6 млн. сўмни ташкил қилди. Бу эса 2011 йилга нисбатан 79645,0 (143401,6-57407,1) млн. сўмга кўп, яъни шу давр мобайнида ушбу кўрсаткич 2,5 марта ошган. Доимий аҳоли сонининг ўсиши 2011 йилга нисбатан 2013 йилда 8800 кишини ташкил этган бир даврда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг 2,4 мартага ошиши ижобий ҳолатдир. Лекин, Иштихон туманида аҳолига кўрсатиладиган хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда уларни шаҳар даражасига яқинлаштириш имкониятлари ҳали жуда кўп (15-жадвал).

7. Иштихон туманида 2013 йилда жами пуллик хизматлар 72885,9 млн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 17784,6 млн. сўмга ёки 32,3 фоизга ошган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пуллик хизматлар ҳажмида ҳам ўсиш тенденцияси кузатилиб, бу кўрсаткич 2012 йил билан солиштирганда 75,0 минг сўм (327,3-252,3) га ва салкам 30,0 фоиз $((327,3 \cdot 100 / 252,3) - 100)$ га яқин ошганлигини кузатишимиз мумкин. Аммо, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига пуллик хизматлар ҳажми 2012 йилда 457,2 минг сўмни, Самарқанд вилоятида эса 387,2 минг сўмни, 2013 йилда Самарқанд вилоятида 511,3 минг сўмни ташкил этганлигини инобатга олсак туманнинг хизмат кўрсатиш соҳаси кўрсаткичларини республика ва вилоят кўрсаткичлариникига етказиш масаласига жиддий эътибор қаратиш – ишга солинмаган имкониятларни излаб топишни тақозо этади (17-жадвал).

8. Иштихон туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган бўлсада, лекин соҳада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Туманнинг қишлоқ жойларига ушбу соҳани олиб кириш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги;
- замонавий хизматлар талаб даражада ривожланмаганлиги;
- хизмат кўрсатиш соҳасида айланма маблағларнинг етишмаслиги;
- хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестициялар киритилишининг камлиги;

- хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқларини вилоят ва туман хокимлиги томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатининг ўз вақтида изчил амалга тадбиқ этмаслиги;
- хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги;
- “Хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги Қонуннинг мавжуд эмаслиги ва бошқ.

9. Юқоридаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда, бизнинг фикримизча, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- туман аҳолисининг ушбу соҳага бўлган эҳтиёжининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда янги хизматлар тури ва шаклини янада кенгайтириш;
- қишлоқ жойларида маиший хизмат, сервис, телекоммуникация, ахборот-маслаҳат ва компьютер хизматлари каби соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш;
- коллежларда махсус хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи янги йўналишларни очиш;
- аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;
- янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириб бориш;
- туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш;
- тадбиркорлик субъектлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.
- бозор инфратузилмаларини (бизнес-инкубаторлар, ўқув марказлари, консалтинг хизмат кўрсатувчи марказлар) ишини фаоллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- туманда тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.:Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида, 1990 йил 31 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, 1991 йил 19 ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, 1993 йил 6 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. – Т.: Адолат, 1996.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, 2000 йил 25 май.
7. Ўзбекистон Республикасининг қонуни: Хусусий корхона тўғрисида, 2003 йил 11 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли Қарори.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
10. Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичларга кўтарадиган йил бўлади” Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь
11. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

12. Абдукаримов Б.А., Мусаев Б.Ш. Коммунал хизматларни ташкиллаштириш аҳолига қулайликлар яратиш омили.-Т.: “Фан ва технология”, 2007.
13. Даль В.И. Толковый словарь великорусского языка. 2-е изд. М., 1982. Т.IV.
14. Котлер Ф. Маркетинг-менежмент // Экспресс-курс. 2-е изд. / Перевод с англ. Под ред. Божук С.Г. Спб.: Питер. 2005..
15. Макконнелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. С англ. Т. 2. – Таллин, 1993.
16. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд. “Зарафшон”, 2010.
17. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2011.
18. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Т.: «Fan va tehnoloqiya», 2007.
19. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Профессорлар М.Қ.Пардаев ва Х.Н.Мусаевлар таҳрири остида. “Иқтисод молия”, 2008.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2008.
21. www.gov.uz
22. www.Lex.uz
23. <http://www.stat.uz>
24. <http://www.ziynet.uz>
25. <http://www.samarkand.uz>
26. <http://www.samstat.uz>

